O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR HOKIMINING QARORI

20 21 yil “ 21 ” апрель 467 -son Toshkent sh.

Тошкент шаҳрида якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини энг паст нархини тасдиқлаш тўғрисида

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 9-сон, 320-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 январдаги 63-сон қарори билан тасдиқланган “Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари бериш ва ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомга (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 2019 йил 29 январь) мувофиқ, Тошкент шаҳар Молия бош бошқармаси, Давлат солиқ бошқармаси ва Кадастр агентлигининг Тошкент шаҳар бошқармаларининг тавсияларини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тошкент шаҳрида якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқининг энг паст нархи иқтисодий зоналар кесимида иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Кадастр агентлиги Тошкент шаҳар бошқармаси (Б.Ташходжаев), туман ҳокимликлари:

якка тартибда уй-жой қуриш учун аукцион орқали реализация қилишга мўлжалланган бўш ер участкаларининг (кейинги ўринларда – ер участкалари деб аталади) рўйхати шакллантирилсин;

ер участкалари бўйича келишилган ёки ижобий хулоса берилган кундан бошлаб беш иш куни ичида ер участкаларига мерос қилиб

қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқининг тасдиқланган минимал қиймати асосида ер участкасининг бошланғич нархини белгиласин.

3. Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси (Н.Турсунов), Кадастр агентлиги Тошкент шаҳар бошқармаси (Б.Ташходжаев), Молия бош бошқармаси (Л.Исматуллаев), Қурилиш бош бошқармаси (Ж.Арашев) туман ҳокимлари билан биргаликда Тошкент шаҳрида якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаларини мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 январдаги 63-сон қарори билан тасдиқланган "Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари бериш ва ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш тартиби тўғрисида"ги Низом талабларига асосан амалга оширилиши таъминлансин.

4. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш бўлими (А.Ахмаджонов):

мазкур қарор расмий эълон қилиниши ва www.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлансин.

5. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Х.Шакиров зиммасига юклатилсин.

Тошкент шаҳар ҳокими **Ж.Артикходжаев**

Тошкент шаҳар ҳокимининг
2021 йил "21" апрел даги
467 - сон қарорига
Илова

Тошкент шаҳрида якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари бериш ва ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқининг энг паст нархи

№	Зоналар*	Якка тартибда уй-жой қуришга бериладиган ерлар учун фуқаролардан ундириладиган ер солиғининг базавий ставкалари, 1 кв.м учун, сўмда	ер участкасининг жойлашган жойи ва муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш нуқталарининг мавжудлиги коэффиценти	Ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини энг паст нархи 1 кв.м учун, сўмда	Ер участкасининг чегара бурилиши нуқталари координаталари ҳамда бурилиш нуқталари ўртасидаги чегара чизиғи узунлигини кўрсатган ҳолда ер участкаси режасини тузиш, чегарадош ерлар чегараларини тавсифлаш ҳамда ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилаш бўйича ишлари нархи **
1	1-зона	1 193,6	1 500	1 790 400	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,25 баравари
2	2-зона	1 013,2	1 400	1 418 480	
3	3-зона	832,6	1 300	1 082 380	
4	4-зона	652	1 200	782 760	
5	5-зона	472	1 100	518 980	

Изоҳ: * Тошкент шаҳрида зоналар чегараси Тошкент шаҳар ҳокимининг 2015 йил 24 февралдаги 162-сонли ҳамда 2021 йил 12 фувралдаги 158-сонли қарорларида белгиланган.

** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 июлдаги 186-сонли қарорига мувофиқ ер участкасини ажратиш бўйича иш мавжуд бўлмаганда, якка тартибда турар-жой қуриш учун ажратилган ер участкасига кадастр паспортини тайёрлаш ва кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш учун белгиланган нарх.